

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил январь ойининг 22 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья А.Хабибуллаев,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров ва Ш.Назировадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Қобуловнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Муратов, химоячи Я.Ибрагимовларнинг иштирокида, судланган А.Ўринбоевга оид жиноят ишини, судланганнинг химоячиси томонидан келтирилган кассация шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2024 йил 1 августдаги ҳукмига кўра:

1999 йил 22 октябрда Хонобод шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 5-курс талабаси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Андижон шаҳридаги “Greates textile” МЧЖ раҳбари, Андижон шаҳри “Боғи Эрам” МФЙ, Барқарорлик кўчаси, 4-уйда яшаган, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган Ўринбоев Абдулатиф Рустамжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони манзил-колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган А.Ўринбоев 2023 йил 21 октябрь соат 18-00 ларда, тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахслар билан бир гуруҳ бўлишиб, акаси раҳбарлик қилган Андижон шаҳар, “Найман” МФЙда жойлашган “Silver textile” МЧЖ офисида, оиласи учун қурилган ҳовли уйга сарфланган харажатлар ҳисоб-китоби юзасидан келган қурувчи Б.Юлдашев билан қурилиш жараёни бўйича ҳисоб-китобдаги тафовутлар масаласида жанжаллашиб, жанжал вақтида шериклари билан бирга Б.Юлдашевни турли жойларига уришиб, ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 18 декабрдаги 8856-сонли хулосасига кўра, Б.Юлдашевга “кўкрак қафаси ёпиқ шикасти, чап томон 8-9-10-қовурғалар



ёпиқ синиши, чап кўз қовоқларида қонталаш” каби жароҳатлар билан соғлиқнинг узоқ муддатга бузилиши мезонига кўра “ўртача оғир” тан жароҳати етказганликда айбли деб топилган.

Ҳимоячи Я.Ибрагимов шикоятда, судланган А.Ўринбоев томонидан содир этилган жиноят жабрланувчи Б.Юлдашев билан акаси ўртасида қурилиш соҳасида ўзаро ҳисоб-китоб ортидан келиб чиққани, Б.Юлдашевга бир ўзи тан жароҳати етказгани, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама кўрилгани, ҳаракатини ЖК 105-моддаси 2-қисми “и” бандидан 105-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни, айбига иқро, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, тадбиркорлик субъекти ҳисобланишини, олий таълим муассасасида таҳсил олишини кўрсатиб, жазодан озод қилишни сўраган.

Жабрланувчи Б.Юлдашев шикоятга қўшилмаслигини, ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Кассация инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Назировнинг маърузасини, ҳимоячи Я.Ибрагимовнинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор Ш.Муратовнинг шикоятни қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоят важларини иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувиға ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишиға сабаб бўлган қасддан баданға ўртача оғир шикаст етказганлик учун, шу модда 2-қисми “и” бандида қасддан баданға ўртача оғир шикаст етказиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилгани учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, ЖКнинг 27-моддасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданға қасддан шикаст етказишға оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 6-сонли қарори 16-бандида, баданға қасддан оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатға йўқотилишиға сабаб бўлган қасддан баданға енгил шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъий назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди билан квалификация қилиниши лозимлиги, бунда баданға қасддан оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатға йўқотилишиға сабаб бўлган қасддан баданға енгил шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.



Дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди юқоридаги қонун талабаи ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, судланган А.Ўринбоевни етарли ва мақбул далилларсиз гуруҳ таркибида бошқа шахсга қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганлик бўйича айблаб, хатога йўл қўйган.

Хусусан, дастлабки тергов органи жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришда, биринчи инстанция суди ишни кўришда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасидаги ҳақиқатни аниқлаш принципига ҳамда 94-моддасидаги далилларни текшириш, 95-моддасидаги далилларга баҳо бериш, 463-моддасидаги айблов ҳукми чиқариш асосларига риоя қилмасдан, 467-моддасидаги ҳукмда суднинг судланувчига нисбатан хулосасига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабабларини ёритмасдан, далилларга баҳо бермасдан, жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текширмасдан, иш материалларида маълум бўлиб қолган кам-қўстни тўлдирмасдан, юзага келган барча шубҳа ва қарама-қаршиликларни бартараф этмасдан, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланмасдан, жабрланувчи Б.Юлдашевга қасддан баданга ўртача оғир шикастни А.Ўринбоев бир гуруҳ шахслар билан содир этганлиги тўғрисида тахминларга асосланган ҳолда хулосага келган.

Бу ўринда, биринчи инстанция суди ҳукм чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 4-бандидаги, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги; 5-бандидаги, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши; 16-бандидаги, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозимлиги; 21-бандидаги, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмаган.

Хусусан, дастлабки тергов органи судланган А.Ўринбоевга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб боришда, у томонидан акаси Ўринбоев Адахамжон ва жабрланувчи Б.Юлдашев ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб натижасида келиб



чиққан низо оқибатида, ўзаро гап тортишганидан судланган А.Ўринбоевнинг жаҳли чиқиб, мустақил равишда ҳаракат қилиб, Б.Юлдашевга қасддан ўртача оғир шикаст етказган ҳолатига аниқлик киритмасдан, ўтказилган тергов процессуал ҳаракатлар натижалари бўйича аниқ тўхтамга келмасдан, 2024 йил 31 мартда асосиз равишда қарор қабул қилиниб, жиноят ишининг номаълум шахсларга тегишли қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан жиноят иши кўзғатган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилган ҳолда, гўё-ки иш бўйича Ўринбоев Адахамжон Рустамжоновичнинг ҳаракатларига номаълум шахсга нисбатан кўзғатилган жиноят иши доирасида баҳо берилиши кўрсатилиб, 2024 йил 25 апрелда ЖПКнинг 364-моддаси 1-бандига асосан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахслар доираси аниқланмагани асоси билан ишни тўхтатиб, бошқа шахсларга айб эълон қилиш чорасини кўрмасдан, шубҳа ва гумонлар асосида судланган А.Ўринбоевнинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан квалификация қилиб, жиноят ишини суд муҳокамасига юбориб, хатога йўл қўйган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан, суд муҳокамасида жабрланувчи Б.Юлдашевнинг илтимосномаси қаноатлантирилиб, 2024 йил 26 майдаги ажрими билан А.Ўринбоевни Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айблаганга оид жиноят иши бўйича бошқа шахсларни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш юзасидан тегишли процессуал ҳаракатларни ўтказиш, процессуал ҳаракатлар давомида Ўринбоев Абдулатиф, Юлдашев Бекзод, Курбаниязов Турсунбой, Ўринбоев Адахам, Толибжонов Абдулхамид, Сотволдиев Абдухалим, Джумабоев Қиличбек ва бошқалардан ҳолат юзасидан батафсил тушунтириш ва кўрсатув олиш; Ўринбоев Адахам, Толибжонов Абдулхамид, Сотволдиев Абдухалим, Джумабоев Қиличбек ва бошқаларни жиноят содир этилишидаги иштирокчилик даражасини аниқлаш ва ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят содир этилишида иштирокчилиги аниқланган тақдирда айбланувчи тариқасида жалб қилиш, жиноят содир этилишида бошқа иштирокчилар бор-йўқлигига ҳуқуқий баҳо бериш, воқеани бевосита шоҳиди бўлган гувоҳларни ҳолат юзасидан батафсил сўроқ қилиш, юзлаштириш ҳаракатлари ўтказиш ва тегишли бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш топширилган бўлса-да, дастлабки тергов органи томонидан ажримда кўрсатилган тергов процессуал ҳаракатлари ўтказилмасдан, А.Толипжоновнинг 2024 йил 30 мартдаги, А.Сотволдиевнинг 2024 йил 29 мартдаги дастлабки терговдаги қўшимча сўроқларини гўё-ки суд ажримини ижроси юзасидан ўтказилган қўшимча тергов процессуал ҳаракатлари бўйича 2024 йил 25 июлда қўшимча сўроқ баённомасига аслича кўчириб қўйиб, имзолатиб, суд ажримида амалга оширилиши кўрсатилган процессуал ҳаракатлар бўйича А.Сотволдиев ва А.Толипжоновларга қўшимча саволлар бермасдан, Ўринбоев Абдулатиф, Юлдашев Бекзод, Курбаниязов Турсунбой, Ўринбоев Адахам, Джумабоев Қиличбек ва бошқаларни ҳолат юзасидан сўроқ қилмасдан, қўшимча бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказмасдан, ажрим ижроси бўйича аввалги сўроқлари нусхаларини қўшиб, 2024 йил 30 июлда суд ажримида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар бўйича



жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиб, суд муҳокамасига юбориш билан чекланган.

Ваҳоланки, дастлабки тергов органи томонидан ажримда кўрсатилган кўшимча процессуал ҳаракатларни тўлиқ ижро қилиб, барча ҳолатларни синчковлик билан ўрганиб, текшириб, ҳуқуқий баҳо бериб, сўнг жиноят ишини суд муҳокамасига юборилиши лозим эди.

Биринчи инстанция суди ҳам судланган А.Ўринбоевнинг Б.Юлдашевга бир ўзи тан жароҳати етказгани, ўзидан бошқаси Б.Мирзаевга тан жароҳати етказмагани, қолганлар уларни ажратиб қўйгани хусусидаги важларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текширмасдан юқоридаги Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмасдан, уни ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айбли деб топиб, барвақт хулосага келган.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган:

жабрланувчи Б.Юлдашев 2023 йил 21 октябрда А.Сотволдиев офисига В.Хақимов ва Т.Курбанниязов билан қурилиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун боришгани, хонада Ўринбоев Абдулатиф, унинг укаси Тожибоев Абдулхамид, акаси Ўринбоев Адаҳамжон ва яна бир шахс бўлгани, ўзаро гаплашиб Ўринбоев Адаҳамжон унга мушт отиб уриб юборгани, сўнг хонага ташқаридан 15 нафар шахслар югуриб киришгани, у билан Т.Курбанниязовни ўша жойда Абдулатиф, Адаҳам, Абдулхамид, ҳисобчи Абдуҳалим ҳамда бошқалар уриб-тепишгани ҳақида кўрсатув берган, бироқ Б.Юлдашев дастлаб берган тушунтириш хатида офисга боришгани, жанжал вақтида В.Хақимов ҳам тан жароҳати олганини кўрсатган, суд муҳокамасида В.Хақимовни тан жароҳати олгани ҳақида кўрсатув бермаган;

жабрланувчи Б.Юлдашевнинг қурилишдаги шериги гувоҳ Т.Курбанниязов 2023 йил 21 октябрда у, Бегзод ва Абдулворис уччаласи Ўринбоев Адаҳамжон билан гаплашиб олиш мақсадида боришгани, у ерда Б.Юлдашевни Ўринбоев Адаҳам ва кўпчилик бўлиб уни уришгани, шунда у хонани ичидаги 2 та диванни орасига тушиб қолгани, ўша ҳолатда ҳам уни уриб-тепишгани, ўрнидан турганида, Ўринбоев Адаҳамжон ва Абдулатиф иккаласи Б.Юлдашевни уришаётган экани, Толибжонов Абдулхамид ҳам Б.Юлдашевни ургани, хонада 20 нафарга яқин шахслар бўлгани, Қиличбек уларни телефон ва пуллари олиб қўйгани ҳақида кўрсатув берган бўлса-да, бироқ дастлабки терговдаги кўрсатмаларида ака-ука Ўринбоевлар улар билан бирга борган В.Хақимовни ҳам уришгани, Ўринбоев Адаҳам дизайнер А.Хафизовга ўша вақтда кўнғироқ қилиб Б.Юлдашевни урганини айтганини, А.Хафизов унга жавобан тўғри иш қилганини билдиргани, кейинги кўрсатувларида эса ўзида ҳеч қандай тан жароҳати йўқлиги ҳақида кўрсатувлар берган;

гувоҳ В.Хақимов дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида жабрланувчи Б.Юлдашевнинг қўл остида ёлланма ишчи бўлиб ишлагани, 2023 йил 21 октябрда Бегзод ва Турсунбой уччаласи Андижон шаҳридаги “Silver textil” МЧЖга Ўринбоев Адаҳам билан гаплашиб олиш учун боришгани, у ерда Ўринбоев Абдулатиф Б.Юлдашев билан гап тортишиб, уни уриб юборгани, уларни ажратиб қўйганини, у жойда ҳеч ким билан



уришмагани ва жанжаллашмагани, ўзини ҳеч ким урмагани ҳақида кўрсатув берган.

Бундан ташқари, гувоҳ А.Хафизов дастлабки терговда Ўринбоев Адахамжон жанжал вақтида ёки ўша куни унга қўнғироқ қилмагани, бирон-бир шахсни ургани ҳақида хабар бермагани ҳақида кўрсатув берган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 18 декабрдаги 8856/ЭБЗ-сонли хулосасига кўра Б.Юлдашевда кўкрак қафаси ёпиқ шикасти, чап томон 8-9-10-қовурғалар ёпиқ синиши, чап қовоқларида қонталаш аниқланиб, баданида бошқа тан жароҳатлари ва излари топилмаган.

Иш ҳужжатларида ва апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатларга кўра, судланган А.Ўринбоев 2023 йил 21 октябрь соат 18-00 ларда акаси Ўринбоев Адахамжон раҳбарлик қилган “Silver textile” МЧЖ офисида, қурилиш учун сарфланган ҳаражатлар ҳисоб-китоби юзасидан қурувчи Б.Юлдашев билан қурилиш жараёнидаги ҳисоб-китобдаги тафовутлар масаласида ўзаро гап тортишиб кетишган, бу вақтда судланган А.Ўринбоев Б.Юлдашев ва акасининг ўзаро гап тортишганидан жаҳли чиқиб, қасддан уни уриб ўртача оғир шикаст етказган, ходиса содир бўлган жойда бўлган бошқалар уларни ажратишган, шундан сўнг тортишув тўхтаган, Б.Юлдашев билан бирга келган Т.Курбанниязов, В.Хакимов ҳамда ходиса жойида бўлган Ўринбоев Адахамжон, А.Сотволдиев, А.Толипжонов ва бошқаларда жароҳатлар аниқланмаган, бундай ҳолатда судланган А.Ўринбоевнинг ҳаракатларини ЖК 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан квалификация қилиб бўлмайди.

Булардан ташқари, иш ҳужжатларида жабрланувчи Б.Юлдашев, унинг шериги Т.Курбанниязовларнинг кўрсатувлари ҳамда ишга бевосита гувоҳ бўлган бошқалар ўртасидаги кўрсатувларида тафовутлар мавжуд бўлиб, бундай ҳолатда кассация инстанцияси уларнинг кўрсатувларини ишончли деб ҳисобламайди, уларнинг бу мазмундаги кўрсатувлари ўзаро ҳисоб-китоб натижасида келиб чиққан низо учун ўч олиш мақсадида ўйлаб топилган важлар деб танқидий баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги қатъий белгиланган.

Шунингдек, ЖПКнинг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш



имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарорининг 5-бандида, гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати — унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги Конституцияда белгиланган айбсизлик презумпцияси принципига қатъий амал этилишида, гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги, ўз айбсизлигини ёки иш бўйича бирор-бир ҳолатни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмаслиги, қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилгани, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, қонунни қўллашда келиб чиққан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилиши тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва кассация инстанциясида аниқланган ҳақиқий ҳолатга кўра, судланган А.Ўринбоев бир ўзи Б.Юлдашевга ўртача оғир шикаст етказган, унинг бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, гуруҳ иштирокида Б.Юлдашевга ўртача оғир шикаст етказганлиги ҳақида жабрланувчи Б.Юлдашев ва унинг яқини бўлган Т.Курбанниязовнинг кўрсатмаларидан ташқари бирор-бир ишончли далил мавжуд эмас.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди судланган А.Ўринбоевнинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандидан, шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши; 2-бандида, судлар унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахслар ЖКнинг 70, 71-моддаларига мувофиқ жазодан озод қилиш



масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги; 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги; 13-бандида, ишларни кассация тартибида кўришда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли, иштирокчиликнинг тури ва шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, кассация инстанцияси суди тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги; 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси А.Ўринбоевнинг айбига иқдор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини, тадбиркорлик субъекти бўлиб “Great tekstil” МЧЖни раҳбари ҳисобланишини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллангани, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланган тақдирда жамият ишчилари ишсиз қолишлари, бу эса маълум аҳоли қатламининг ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини, судланганнинг ўзи олий таълим муассасасида таҳсил олишини, содир этган жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига киришини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келишни, қонун санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Кассация инстанцияси судланган А.Ўринбоевнинг жазодан озод қилиш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятнинг салбий оқибатларини, жабрланувчининг қонуний чора кўришни сўраганини эътиборга олиб, унинг бу важлари билан келишмади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 1-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши;

ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш, маҳкум, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹-моддаси 1-қисми 7-бандига мувофиқ, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра ҳукми ўзгартиришга ҳақлидир.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди А.Ўринбоевга нисбатан чиқарилган суд ҳукмининг ўзгартиришни, унинг ҳаракатини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандидан, шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни, унга қонун доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан уни ўталган жазосини чегиришни, кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 495, 509⁷, 509⁹-509¹⁰, 509¹⁴-моддаларига асосланиб, кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўринбоев Абдулатиф Рустамжон ўғлига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2024 йил 1 августдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Ўринбоев Абдулатиф Рустамжон ўғлининг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандидан, ЖК 105-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

А.Ўринбоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Ўринбоевни 2024 йил 1 августдан 2025 йил 22 январга қадар ўталган 5 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегирилиб, унга ўташ учун 1 йил 6 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин ва у жазони ижро этиш муассасаси - Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД биринчи минтақавий ҳудуд 48-сонли манзил колониясидан қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, кассация шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Хабибуллаев

Ҳайъат судьялари

Ф.Собиров

Ш.Назирова

